



ЭЙ ТУРКИЙ ЭЛИМ, ЎЗЛИГИНГГА ҚАЙТ, ЎЗИНГНИ АНГЛА – ЯНАДА ЮКСАЛГАЙСАН!

Билга Хоқон

2023-yil
4-noyabr
shanba
№ 132
(4884)

Yurt taraqqiyoti yo'lidagi birlashaylik!

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarilgan boshlagan



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

Туркий давлатлар ташкилоти саммити доирасида Президент Шавкат Мирзиёевга туркий халқлар оиласининг бирлигини мустақамлашга, туркий мамлакатларнинг манфаатлари ва қарашларини халқаро майдонда фаол илгари суришга қўшган улкан ҳиссаси учун «Туркий дунёнинг олий ордени» тантанали топширилди.

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ОВОЗИ ДУНЁ БЎЙЛАБ ЯНАДА БАЛАНД, ЯНАДА КУЧЛИРОҚ ЯНГРАМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 2-3 ноябрь кунлари Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида

иштирок этиш учун амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлди. Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон етакчиси юртимизнинг ташкилотга раислигида эришилган асосий натижаларни қайд этди, ту-

зилмани янада ривожлантириш ва туркий мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлашнинг устувор йўналишлари борасидаги фикрларини баён қилди, қатор муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич!
Хурматли делегациялар раҳбарлари!
Авваламбор, сиз, азиятлар билан яна дийдор қўришиб турганимдан ғоят мамнунман.

Бугунги саммитни юксак даражада ташкил этгани учун Қозоғистон Республикаси Президенти, хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Сўзимни буюк аждодимиз – қадимий турк давлати асосчиларидан бири Билга Хоқоннинг куйидаги даъвати билан бошламоқчиман: «Эй туркий элим, ўзлигингга қайт, ўзингни англа – янада юксалгайсан!».

Ушбу ибратли сўзлар бугунги шиддатли замонда – Туркий давлатлар ташкилоти ўз фаолиятини тобора такомиллаштириб бораётган бир даврда албатта чуқур маънога эга. Тили, дини ва юраклари бир-бирига чамбарчас боғланган қардош халқларимиз овози эндиликда дунё бўйлаб янада баланд, янада кучлироқ янграмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, дўст Қозоғистон элини ақинда кенг нишонланган мамлакат миллий байрами – Республика кунини муносабати билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Шунингдек, Туркия Президенти, қардошим Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларини ва бутун турк халқини Республика эълон қилинган куннинг қутлуғ 100 йиллик тантаналари билан самимий табриклайман.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Барчангиз яхши биласиз, туркий дунёда дўст Озарбайжон халқи ўзининг муносиб ўрни ва катта обрў-этиборига эга. Сўнгги йиллари Озарбайжон халқи қадри биродарим Илҳом Ҳайдарович етакчилигида оламшумул ютуқларни қўлга киритмоқда.

Тарихий адолат қарор топиб, мамлакатнинг ажралмас қисми бўлган Қорабоғ ҳудудини бунёдкорлик маконига айлантириш борасида улкан натижаларга эришилмоқда.

Мен август ойида Шуша ва Фузулий шаҳарларида бўлиб, кенг қўламли ўзгаришларга, замонавий инфратузилма барпо этилаётгани, вайрон бўлган маданий мерос объектилари қайта тикланаётганига шахсан гувоҳ бўлдим.

Озарбайжон халқини буюк ғалаба – мамлакат ҳудудий яхлитлиги тўлиқ тиклангани билан яна бир бор чин юракдан самимий табриклайман.

Хурматли анжуман қатнашчилари!
Туркий давлатлар ташкилоти бугунги кунда

шақлланаётган янги дунё тартиботи ва халқаро институтлар тизимида ўзига хос муҳим ўринга эга бўлиб бормоқда. 160 миллион аҳолини қамраб олган Ташкилотимиз ҳудуди катта иқтисодий имкониятлар макони ҳамдир.

Бизнинг мамлакатимиз Ташкилотнинг барча аъзолари билан стратегик шериклик алоқалари ўрнатганини катта мамнуният билан айтиб ўтмоқчиман.

Ўтган йили «Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари» шиори остида бўлган Самарқанд саммитида имзоланган ҳужжатлар ҳаёtgа изчил татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон раислиги даврида юздан ортиқ турли тадбирлар ўтказилди, муҳим ташаббуслар илгари сурилди. «Туркий нигоҳ – 2040» концептуал дастури асосида амалий ҳамкорликнинг янги ва янада самарали механизмлари яратилди. Жумладан, Туркий давлатлар Касаба уюшмалари ташкилоти, Фазо тадқиқотлари академияси, Жўроғий кенгаш, Қурғокчиликни бартараф этиш институти, Нотариал идоралар уюшмаси каби янги тузилмалар иш бошлади. Қатор нуфузли глобал ва минтақавий тузилмалар – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг турли ихтисослашган институтлари, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан яқин шериклик алоқалари ўрнатилди.

Глобал иқтисодий инқироз кучайиб бораётганига қарамастан, олиб бораётган тизимли ишларимиз натижасида ўзаро савдо ҳажми ўсмоқда.

Ўзбекистоннинг раислиги даврида бизга фаол кўмак кўрсатган барча давлатларга ва Ташкилот Комитетига яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Барчамиз гувоҳ бўлаёلمиз, бугунги кунда жаҳон миқёсида ишонч инқирози тобора авж олмақда. Глобал хавфсизликни таъминлашда янги муаммолар юзага келмоқда ва халқаро ҳуқуқ меъёрларидан чекинши ҳолатлари кучаймоқда.

Айниқса, Яқин Шарқда узоқ вақтдан буён давом этаётган Фаластин – Исроил муаммосининг ниҳоятда хавфли тус олгани барчамизни жиддий хавотирга солимоқда. Қурулди тўқнашувда тинч аҳоли, айниқса, кексалар, аёллар ва болалар орасида қурбонлар ва жароҳат олганлар сони кескин ортиб, нисонинг кенг ёйилиб кетиш хавфи кучаймоқда.

Шу муносабат билан томонларни зудлик билан ҳарбий ҳаракатларга барҳам бериб, ўт очишни тўхтатишга, гуманитар мақсадларда муромага келишга чақирамиз.

Мазкур муаммонинг ягона ва энг адолатли ечими – нисони «икки халқ учун икки давлат» тамойили асосида ҳал этишдир.

Фаластин халқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюцияларида белгиланганидек, мустақил давлат барпо этиш ҳуқуқига эга. Биз Ташкилотимиз доирасида бу борадаги яқдил ва қатъий позициямизни бутун дунёга эълон қилишимиз зарур.

Хурматли саммит қатнашчилари!

«Туркий давр» шиори остида ўтаётган бугунги саммитимизда кўп томонлама ва узоқ муддатли алоқаларимизни янада кенгайтиришга қаратилган куйидаги таклифларни илгари сурмоқчиман.

Биринчидан, Ташкилот доирасида ўзаро хурмат, ишонч ва очиклик тамойилларини мустақамлаш, биргаликда турли тўсиқларни самарали енгиб ўтиш бош мақсадимиздир.

Шу муносабат билан Туркий халқлар бирдамлигини, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадриятларини ифода этадиган «Туркий дунё хартияси»ни ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман. Ушбу ўзига хос рамзий қомусни соҳанинг етук олимлари ва экспертлар иштирокида тайёрлашни таклиф қиламан.

Иккинчидан, шу кунларда Туркий инвестиция фонди ўз ишини бошлади. Давлатларимиз ўртасида саноат кооперациясини кучайтириш ва йирик сармавий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида кейинги босқичда Туркий тараққиёт банкни ташкил этиш ишларини ҳам фаоллаштиришимиз керак. Ушбу молия муассасасини Тошкент шаҳрида жойлаштиришга тайёремиз.

Учинчидан, Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги тадқиқот марказини ташкил этиш бўйича бошланган амалий ишларни тўлиқ маъқуллаймиз. Келгусида Марказ имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда, биргаликда савдо тўсиқларини бартараф этиш, экспорт-импорт ҳажминини кўпайтириш бўйича янги механизмларни кенг жорий қилиш, электрон савдо платформаларини ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

Тўртинчидан, глобал логистика занжирлари ва транспорт йўлакларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш, ягона транзит тар-

могини шакллантириш масалалари долзарб аҳамиятга эга.

Юк ташувларига ўсиб бораётган талабни қондириш мақсадида ўрта коридор салоҳиятини кенгайтириш чораларини қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, қўшимча кўптармоқли йўналишларни, жумладан, Хитой, Жанубий Осиё ва Европа бозорларига мамлакатларимиз орқали ўтадиган коридорларни ривожлантириш ҳамда транспорт хизматларини рақамлаштириш тарафдоримиз.

Давлатларимиз Темир йўл идоралари кенгашини таъсис этишни ва бу тузилманинг дирекциясини юртимизда жойлаштиришни таклиф этамиз.

Бешинчидан, экология соҳасида кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Қадимдан аждодларимиз она табиат билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшаганлар. Афсуски, бугунги кунда табиатга нисбатан истеъмолчилик кайфияти кучайиб бормоқда. Иқлим ўзгаришлари туфайли юзага келаётган турли муаммолардан бутун инсоният қаттиқ азият чекмоқда. Бундай ҳолат барчамиздан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилмоқда.

Вазирлар даражасида доимий фаолият кўрсатадиган Туркий экология форумининг тузилиши бу йўлда муҳим қадам бўлиши шубҳасиз. Бундай таъсирчан механизм Ташкилотимиз фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган режаларимизга мосдир.

Олтинчидан, туркий цивилизацияни юксалтириш ғояси технологик тараққиёт ва илғор билмларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бевосита боғлиқдир.

Ижодий фикрлайдиган, истеъдодли ва шижоатли ёшларимиз истиқболда туркий дунёнинг янги Ренессансини барпо этишига ишончим комил. Бу йўлда уларга буюк аждодларимиз яратган илмий кашфиётлар ва маънавий мерос мустақам замин бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш ўринлики, ўтган асрда яшаган жадид боболаримизнинг ибратли фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш юзасидан аъзо мамлакатларда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шу ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида жорий йилнинг декабрь ойида юртимизда бўлиб ўтадиган «Жадидлар: миллий ўзлиқ, ис-

тиқлол ва давлатчилик ғоялари» мавзусидаги халқаро анжуманда вакилларингизни фаол иштирок этишга таклиф этамиз.

Шу билан бирга, ангилликка интилиб яшайдиган, ташаббускор ўғил-қизларни рағбатлантириш учун Ўзбекистонда Туркий дунё креатив ёшлари марказини очишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Минг йиллар давомида тарихи ва тақдири туркий элатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган кўпмиллатли Афғонистон заминидан тинчлик ва оқсоқиллик ўрнатиш минтақамизда стратегик барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий шартидир. Бироқ дунёнинг бошқа нуқталарида низо ва урушлар авж олаётган ҳозирги шароитда ушбу муаммо халқаро ҳамжамият эътиборидан тобора четда қолмоқда.

Афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни сусайтирмаслик, бу юртдаги ўтқир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ механизмларни ишлаб чиқишга чақирамиз.

Бизга минтақавий шериклик ва барча қўшнлари билан иқтисодий ҳамкорлик жараёнларида фаол иштирок этадиган, тинч ва барқарор Афғонистон керак.

Биз илгари сураётган Трансафғон темир йўлини барпо этиш ташаббуси айнан мана шу эзу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон афғон халқига бундан буён ҳам зарур ёрдамни бериб боради. Термиздаги логистика хаби орқали гуманитар кўмак кўрсатишни, таълим марказида эса афғон фуқароларини ўқитишни фаол давом эттирамиз.

Қадри дўстлар!

Қаратдан фойдаланиб, Давлат раҳбарлари кенгашида раисликни қабул қилиб олаётган Қозоғистон Республикаси Президенти хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга улкан зафарлар тилайман.

Бугун қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар ва қарорлар, жумладан, саммит декларацияси ҳамда Остона ақти мамлакатларимизнинг ёрқин туркий келажак сари навбатдаги дадил қадамлари бўлишига ишонаман.

Ўз тарихи давомида кўп-кўп синовларни бошидан кечирган ва уларга биргаликда ечим топган қардош халқларимиз келгусида ҳам буюк ишларни амалга ошириши шубҳасиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътироф

Санаторийга бепул йўлланмалар, кўкрак нишонлари ва қимматбаҳо совғалар...

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТОМОНИДАН УЮШТИРИЛГАН ТАДБИРДА ЎҚИТУВЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



Муқимий номидаги му-сиқали драма театрида Таъ-лим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кен-гаши ҳамда унинг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан 11 ноябрь – Касаба уюшма-лари куни байрамига бағи-шланган «Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик» мавзу-сида тақдирлаш тадбири бў-либ ўтди. Унда таълим соҳа-сида узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган педагоглар, устоз-муаллимлар, профес-сор-ўқитувчилару кутубхо-начи, боғбон каби фидойи касб эгаларига ҳурмат-эҳти-ром кўрсатилди.

40 нафарга яқин иш-чи-ходимга санаторийларга бепул йўлланмалар, яна

бир гуруҳ таълим ташкилот-лари ходимларига эса эсда-лик совғалари топширилди. Шунингдек, олий таълим соҳасида ишлаётган қатор ўқитувчилар «Олий таълим аълочиси», яна бир гуруҳ муаллимлар «Халқ таълими аълочиси» ва «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишон-лари билан тақдирланди.

– Ҳар жабҳада ўзгариш-лар бор. Касаба уюшмалари орқали ходимларни қўла-б-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш бо-расида ҳам худди шундай бўляпти, – дейди Ўзбекистон Миллий университети ка-саба уюшма қўмитаси раи-си ўринбосари Камолиддин Жабборов. – Университети-

мизда 35 минг нафарга яқин талабалар таҳсил олади, 3 300 нафар профессор-ўқи-тувчи ишлайди. Уларни йил давомида маънавий ва мод-дий жиҳатдан қўллаб-қув-ватлаб келяпмиз. Фидойи ва самарали меҳнат қилаётган бир гуруҳ илғорларимизни Касаба уюшмалари куни ара-фасида тақдирлашни режа-лаштирганмиз. Бугунги тад-бир ҳам, шак-шубҳасиз, кўн-гилларга чироқ ёқди.

Тақдирлашдан сўнг театр жамоаси томонидан ёзувчи Қўчқор Норқобилнинг «Бизга мактаб керак... ёхуд замон Ав-лонийси» номли сахна асари намоиш этилди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

Таълим ва фан ходим-лари касаба уюшмаси Ғаллаорол тумани кен-гаши томонидан ти-зимдаги бошланғич касаба уюшма қўмита-лари етакчилари ўр-тасида спортнинг во-лейбол ва мини-фут-бол турлари бўйича қизиқарли баҳс ўтка-зилди.

Мусобақа Соғлом турмуш тарғиботи

– Мусобақаларда 18 та жамоа таркибида 108 на-фар касаба уюшма етак-чилари қатнашди, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ғалла-орол тумани кенгаши раиси Абдулҳаким Шакарбоев. – Бундай тадбирлар соғлом турмуш тарзини шакллан-тиришда муҳим аҳамиятга эгалиги билан бирга, касаба уюшма аъзоларининг бош-ланғич ташкилот атрофига янада жипслашувига ҳам хизмат қилаётир.

Юқори ўринларни эгал-лаган жамоалар ҳамда но-минациялар ғолиблари му-носиб рағбатлантирилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»



Маънавият соати

Муҳим мавзуга бағишланди

«Ўзтемирийўлқурилишмонтаж» МЧЖда 11 ноябрь – Ўз-бекистон касаба уюшмалари кунига бағишлаб «Ижти-мой-маънавий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва диний муҳитни соғломлаштириш» мавзусида Маъна-вият соати ташкил этилди.

Қурилиш объектларида меҳнат қилаётган ишчи-ходим-лар қатнашган ушбу тадбирда социология фанлари доктори, профессор Тошпўлат Матибаев бугунги кунда дунёнинг кўплаб минтақаларини қамраб олган терроризм ва экстремизм билан боғлиқ муаммолар ҳақида сўз юритди. Мамлакатимизда

ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, диний-маърифий ислохотларни кучайтириш, экстремизм ва тер-роризм ҳолатларининг олдини олишда амалга оширилаётган ишларга атрофлича тўхталди.

– Мустақил фикрлайди-ган, соғлом дунёқараш ва мус-таҳкам иродага эга шахсларни

тарбиялаш, ёшлар қалби ва онгида соғлом турмуш тарзи, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш орқа-лигина бузғунчи ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни ҳосил қилиш мумкин, – деди Тошпўлат Матибаев.

Савол-жавобларга бой тарзда ўтган тадбирда фаол қатнашган-ларга касаба уюшма қўмитаси то-монидан бадийи китоблар совға қилинди.

Нодира РАМАЗОНОВА,
«Ўзтемирийўлқурилишмонтаж»
МЧЖ касаба уюшма қўмитаси раиси



Самарқанд вилояти

Меҳнат тартибларида ходим ман-фаати устуворлик касб этадиган жиҳатлар кўп. Аммо барча ишлов-чилар ҳам ўз ҳуқуқларини билавер-майди. Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонасида аттестация натижалари юзасидан ўт-казилган жамоатчилик ўрганувида ишловчилар манфаатига путур етган-лиги аниқланди.

Касаба уюшмаси аралашгач...

Маъмурият эътироз билдирмади

– Шифохонада иш ўринларини аттеста-циядан ўтказиш натижасига кўра, икки юз нафардан зиёд ходимларга қўшимча таъ-тил кунлари белгиланиб, тўлов амалга оши-рилмаганлиги аниқланди, – дейди Соғ-лиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вило-яти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори Ғолиб Рустамов. – Касаба уюшмаларининг ходим-лар манфаатини кўзлаб қилинган мурожа-ати маъмурият томонидан безъетибор қол-дирилмади.

Бош шифокорнинг тегишли буйруғи бил-лан 232 нафар ходимга жамоа шартнома-сида белгиланган, иш ўринларини аттеста-циядан ўтказиш чоғида тўланиши лозим бўлган 181 миллион 465 минг сўм миқдо-ридаги қўшимча таътил пуллари тўлаб бе-рилди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

Ҳуқуқ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига Олтиариқ тумани санитария-эпидемиология осой-ишталик ва жамоат саломатлик бўлимининг бир гуруҳ ходимла-ридан мурожаат тушди. Улар лавозим маошига тўланмасдан ке-линаётган 15 фоиз миқдоридаги устама пулни ундириб беришда кўмак сўрашган.

Тўловлар ундириб берилди

энтомологлар, паразитологлар, са-нитария врачлари ёрдамчилари, лаборантлар кириши ҳам кўрсатиб ўтилган.

Олиб борилган тушунтиришлар наф бермагач, иш судда кўрилиб, са-нитария-гигиена врач ёрдамчилари Абдуҳалил Қодиров, Юлдашали Мир-заев, Аҳмадбек Аҳмаджонов, Араб-бой Сиддиқов, Гулбаҳор Асранку-лова ва Умид Ҳамралиев фойдасига

тегишли тўловларни ундириш бўйича қарор чиқарилди. Қолаверса, иш бе-рувчи зиммасига келгусида қўшимча тўловларни тўлаб бориш мажбурияти юклатилди.

Зафаржон ҚУРБОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Республика
кенгашининг Фарғона вилояти бўйича
меҳнат ҳуқуқ инспектори

Заковат

Билимлар синови

Маданият, спорт ва туризм хо-димлари касаба уюшмаси Рес-публика кенгаши 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари кунни муносабати билан Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар сиё-сати ва спорт вазирлиги ҳамда Туризм қўмитаси ҳамкорлигида ишчи-ходимлари ўртасида «За-коват» интеллектуал ўйинини ташкил этди.

Чимён тоғлари бағрида жойлашган «Куёшли» оромгоҳида ўтган тадбирда иштирокчилар «Ёш билимдонлар», «Сайёҳ», «Интеллект» каби гуруҳларга бўлиниб, ўзлари учун олдинда тайёр-ланган саволларга жавоб излашди. Му-собақадан сўнг тоғ бағирлари, табиат манзараларидан баҳраманд бўлиб, келгуси фаолиятлари учун куч-қувват олишди.

– Ёшлар ишлари агентлигида 3 йилдан буён фаолият юритаман, – дейди Жамшид Имомназаров. – Юр-тимизнинг 14 та ҳудудида волонтер-лар мактаблари мавжуд бўлиб, улар-



нинг фаолиятини мувофиқлаштириш билан шуғулланаман. Мана кўряпсиз, бугунги тадбирга келган тенгдо-шларимизнинг кайфияти кўтаринки. Чунки улар доим бошқа ёшлар учун тадбирлар ташкил этади, ташкилот-чилик қилишади. Аммо ўзлари бу-гунги каби мусобақаларда баъзи ҳо-латлардагина иштирокчи бўлишган.

Шу боис тадбир менга ҳам, тенгдо-шларимга ҳам жуда ёқди.

Яқунда ғолиблар аниқланиб, уларга Республика кенгаши томонидан диплом, эсдалик совғалари топширилди. Ўзе-бекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан эса энг сара китоблар тўпламлари тақ-дим этилди.

Ўз муҳбиримиз

Сўранг, жавоб берамиз...

Маҳсулот нуқсонли бўлса...

САВОЛ:
Дўкондан кафолат муддати билан сотиб олинган маҳсулот нуқсонли бўлса, қанча вақтда алмаштириб берилади?

Дилсўз ҲАМРОЕВА
Қорақўл тумани

ЖАВОБ: «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, нуқ-сонли товар сотилганда истеъмолчи товарни айни шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул си-фатли товарга алмаштириб беришни талаб қилишга ҳақли.

Агар нуқсонлар товарнинг кафолат муддати ёхуд яроқлилик муддати мобайнида, кафолат муд-дати ва яроқлилик муддати белгиланмаган товар-лар бўйича олти ой мобайнида аниқланган бўлса, истеъмолчи юқорида кўрсатилган ҳуқуқларини рўёбга чиқариши мумкин.

Истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат тақдим этган тақдирда кўриб чиқилади.

Шунингдек, истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқа-рилишига, тузилишига, таркибига доир камчилик-ларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи уни айни шундай маркали (моделли, ар-тикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар си-фатини сотувчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан қў-шимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, ис-теъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айни шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бе-риш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эъти-боран бир ой ичида қондирилиши керак.

Ана шу муддатларнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун сотувчи истеъмолчига алмаштирил-ган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳо-сининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими





Таҳлил

АЛИФМИ ёки КАЛТАК?



Ижтимоий тармоқларда Хоразмдаги мактаблардан бирида ўқитувчи ўқувчини дарс пайтида дўппослаётгани акс этган видео тарқалди.

Хоразм вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ахборот хизмати бу ҳолат юзасидан билдирган расмий муносабатда қайд этилишича, воқеа 30 октябрь куни Боғот туманидаги 2-ИДУМда содир бўлган. Тарих фани ўқитувчиси Қ.Х. 9-синф ўқувчиси М.Б.ни, қайта-қайта оғоҳлантиришига қарамасдан, дарсга тайёргарликсиз келгани учун калтаклаган. Ҳолат яна бир ўқувчи томонидан тасвирга олиниб, ижтимоий тармоққа жойланган, шов-шувга сабаб бўлгач, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Боғот тумани ички ишлар бўлими томонидан ҳолат юзасидан терговга қадар суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу ҳолатда ўқитувчининг бўшаши қандай муносабатда бўлиш мумкин? У ростдан ҳам ўз ихтиёри билан бўшатиладими? Шу ва шу каби бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида Боғот туманидаги 2-ИДУМда бўлдик.

Мактабда 52 нафар ўқитувчи дарс беради. Улардан 8 нафари эркак муаллимлар. ИДУМ директори Шарофат Сапаева Қ.Х. 2021 йилдан буён мактабда тарих фанидан дарс бериб келаётганини, маълум муддат ушбу синфга раҳбарлик ҳам қилганини, машғулотларни интерфол усулда ўтишини, ёш муаллимдан умиди катта бўлганини айтди.

Директорнинг қайд этишича, 30 октябрь куни 9-синфда машғулот бир неча нафар ўқувчи ўзлари тасвирга олган видеони кўрсатишган. Директор Қ.Х.ни кабинетига чақириб, ҳолатга изоҳ талаб қилган. Қ.Х. ўқувчи оддий нарсаларни билмаслигидан жунбишга келганини айтган. Директор тушунтириш хати сўраганида, Қ.Х. бунинг ўрнига ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзган.

Видеотасвирлар шу куни ижтимоий тармоқларда тарқалиб кетган. 31 октябрь куни директор Қ.Х.нинг аризасини қа-ноатлантирган. У билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Шундан сўнг, калтакланган боланинг онаси билан ҳам учрашдик. Аёл муҳока-малар давом этишини истамаслигини, ҳеч қандай муносабат билдирмаслигини айтди.

Мактаб директорининг маънавий-маъ-рифий ишлар бўйича ўринбосари Ҳамдам Раимбергенов калтак еган боланинг отаси билан суҳбатлашганини айтди. Ўқитувчи ишдан бўшаши етарли эканини, бошқа даъвоси йўқлигини, ички ишлар бўлими томонидан олиб борилаётган суришти-рувда ҳам шу фикрда қолишини маълум қилган.

Мактаб директори ижтимоий тар-моқларда ҳолат ўқитувчи мунтазам ра-вишда ўқувчиларни калтаклаб келгани тарзида талқин қилингани жамоа кайфи-ятига таъсир қилганини, маҳаллада ишон-чсиз қарашлар пайдо бўлаётганини бил-дириб ўтди. Ваҳоланки, шу пайтга қадар биронта ота-она бирон-бир ўқитувчи устидан боласининг калтаклагани ҳақида шикоят билан мурожаат қилмаган.

Мамлакатимизда ўқувчини калтакла-гани учун ўқитувчини ишдан бўшатиш ҳо-латлари олдин ҳам кузатилган. Хусусан, 2022 йилда Бандихон туманидаги 4-ма-ктабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси дарс машғулотларига тайёргарлик кўр-масдан келган 9-синф ўқувчисини ургани учун ишдан бўшатишган эди.

2021 йилда Оқдара туманидаги 53-ма-ктаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари 4-синф ўқувчисини калтакла-гани учун ўз вазифасидан озод қилинган.

Бундай мисолларни давом эттириш мумкин. Фарзандини урган ўқитувчини кал-таклаган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Балки, Қ.Х. ҳам воқеалар бундай тус олмаслиги учун ишдан кетишга қарор қилгандир.

Афсуски, биз у билан боғлана олмадик. Мактаб директорининг айтишича, собиқ муаллим бу ҳақда ҳеч ким билан гапла-шишни истамаяпти.

Кўпчилик ўқувчини калтаклагани учун ишдан бўшатиш ўқитувчиларга бўлган ҳур-матнинг йўқолишига, таълим-тарбиянинг издан чиқишига олиб келади деб ҳисоб-лайди. Бунга сабаб сифатида болалар тар-биясидаги ноқисликлар туфайли ўқувчи-лар ўқитувчини қуноққондан чиқишга маж-бур қилаётганини келтиришди. Ўқитувчига нисбатан ҳурматсизлик таълимга нисбатан ҳурматсизлик белгисидир.

Яна бир гап: ҳар сафар ўқувчини калтаклаган ўқитувчи ишдан бўшатиш-ганда ижтимоий тармоқларда кўпчилик

ЎҚИТУВЧИНИНГ ИШДАН БЎШАШИ МУАММОЛАРГА ЕЧИМ БЎЛА ОЛАДИМИ?

бунга норозилик билдиради. Жумладан, Боғотдаги воқеа юзасидан ушбу туманда истиқомат қилувчи машҳур журналист **Рўзимбой Ҳасан «Таълим тамом бўлди» сарлаҳвали постида** шундай ёзди:




Шухратбек Само эса шундай фикр билдиради:



МАВЗУДАН ТАШҚАРИ, АММО МАКТАБГА ДАХЛДОР ДОЛЗАРБ МАСАЛА:

Боғот туманидаги 2-ИДУМнинг анчайин таъмирталаблиги ҳам диққатимизни тортди. Мактаб табиий газ ёрдамида қиздиришга мослашган. Биз борган пайтимизда муассасага кўмир келтиришган экан. Кўмир ёрдамида қишда мактабда зарур ҳароратни таъминлаб бўлармикан? Тўғри, бу бошқа мавзу. Аммо, у ҳам долзарб ва мутасаддилар эътибор қара-тиши керак бўлган масалалардан бири деб ўйлаймиз.

Шоира Шамснинг муносабати қуйи-дагича:



Отамурод Поённинг фикри эса бош-қача:



Умуман, катта ёшдаги одамларнинг аксарияти ўқитувчи ўқувчини уриши табиий ҳолат деб қа-бул қилиш керак, деган фикрда.

Айримлар эса, болаларни калтаклашга нафақат ўқитувчининг, балки ота-онанинг ҳам ҳақи йўқ деб ҳисоблайди.

Аслида ҳам ўқитувчини ишдан бўшатиш муам-мога ечим бўла олмайд. Буни ҳолатлар такрор-ланаётганидан ҳам би-лиш мумкин. Бу эса таъ-лим-тарбия жараёнига янада жиддий ёндашиш кераклигини кўрсатади.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»



Касбда БАРАКА бор

Интилганга толе ёр

Ассалому алай-кум, «Ishonch» га-зетаси жамоаси. Сизларга бу хатни юборишимга бир тадбиркор инсон билан танишувимиз ва дилдан сўхбатимиз сабаб бўлди. Унинг бо-шидан ўтганлари иш бошлашга ик-киланиб турган кимлар учундир туртки бўлар... Бундай ҳикматга йўғрилган ҳаётий воқеаларни риво-ятларда ўқиган-миз. Уни газета орқали халқи-мизга ҳам или-нарсизлар, деган умиддаман:



— Ёшлигимдан отамнинг ёнида юриб то-морқада ишлардим. Отам касбда барака бор, дерди доим. Қулупнай етиштирардик. Оила қур-ганимдан кейин ҳам шу ишни давом эттирдим. Ёр бўшаши билан саримсоқлиёз экардим. Ҳо-силни кўпайтириш ва даромадни ошириш за-рурати ҳаётнинг талаби бўлди. Бир томонда оила каттараяпти. Иккинчи томонда кексаяётган қиблагўларимга парвариш керак. Ишга жиддий киришиб кетганимни билмай ҳам қолдим. Авва-лига шу соҳа ходимларидан деҳқончиликда ке-рак бўладиган ўғитлар ҳақида сўрай бошладим. Бу изланишларим аста-секин қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий иш олиб бораётган олимлар би-

лани ҳам боғланишимга олиб келди. Бўш вақтим бўлиши билан уларнинг ҳузурига бораман. Улар ҳам менинг ҳаракатларимга қизиқиб қолишди. Қачон бўлмасин хуш кайфиятда кутиб олишади. Шу сабаб секин-аста улар билан ҳамфикр бў-либ, ишимни давом эттирдим. Қулупнайга қандай озуқа берилишидан тортиб, қанақа навларигача билиб борардим. Қимматбаҳо, ялтираб турадиган навини танлаб экадиган бўлдим. Уруғларни ҳам олимларнинг назоратидан ўтказиб олардим. Қа-рабсизки, мавсумдан мавсумга даромадим ортиб борарди. Оралиқ экин сифатидаги саримсоқлиёз-нинг ҳам турли навлари бўларкан, унинг ҳам ҳо-силдорини экадиган бўлдим. Ишларим юришиб

кетавергач, яқин қариндошларим бирин-кетин ҳамкор бўлишди. Деҳқончилик қиладиган ерла-римиз кенгая бошлади. Ҳосилни сотиб оладиган алоҳида мижозлар пайдо бўлди. Шу билан яхши-гина тадбиркорга айланиб қолдим.

Қариндошларимнинг болалари менга устоз, деб мурожаат қилиша бошлади. Олимлар билан анча яқинлашиб олганман, ўғитлашдан ташқари зараркунандалардан асраш учун қандай препа-ратлар ишлатилишини ҳам яхшигина биларман. Энг қизиғи, тажрибали олим каби кўчатларни ку-затиб, ҳар бир ҳолатини қозоғга туширадиган бўл-дим. Аслида бу ишларни бир тартиб асосида қил-ганим ҳам йўқ. Бор ҳолатни олимларга тўғри етқа-зиш мақсад эди. Қарабсизки, илмий асосларга таянган деҳқонга айланибман.

Гапни чўзиб юбордим, шекилли. Келинг, яхшиси, катта оиламизга етган манфаат тўғрисида айтай. «Профессор» деган лақаб олдим. Турмуш ўртоғим ишларимни доим қўлаб-қувватлади. Айниқса, даромадим ошгани сайин маслаҳат сўровчилар кўпайди. Отам эса ҳар доимги гапини айтар, менинг тиним билмай ишлашимни кўриб, хурсанд бўлганча дуо қиларди. Онам эса шу болам институтда ўқи-ганда зўр олим бўларди, деб такрорлайверди.

Мустақил ишлай бошлаганимга ҳам йигирма йилдан ошибди. Оиламда меҳнатга бўлган тар-тиб-интизом бор. Кексайиб қолган ота-онамнинг хизматини қилиб, дуоларини оламан. Кўнгил хо-тиржам. Катта қизим талаба. Ўғлим менга ўхшаб далани танлади. Шу ёшга етиб, отамнинг гаплари-даги ҳикматнинг мағзини ўз ҳаётимда кўриб ту-рибман. Буни англаган сайин ота-онамга меҳрим янада зиёдалашади...

Абдулҳамид ЖУМАНОВ,
Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини ўқитувчиси



КОНГРЕССМЕНЛАР ИСРОИЛНИ УКРАИНАДАН АЖРАТИШДИ

Республикачилар назорати остидаги АҚШ Ва-киллар палатаси Исроилга 14 миллиард дол-ларлик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилди.



Умуман олганда, бу Прези-дент Жо Байденнинг Конгрессга бир қатор йўналишларни фавку-лодда молиялаштириш учун 106 миллиард доллар маблағ ажра-тиш бўйича сўровига мос ке-лади. Оқ уй раҳбарининг таша-буси нафақат Исроилга, балки Украина ва Тайванга ҳам па-кетли ёрдамни назарда тутди.

Вакиллар палатаси қонун лойиҳаси эса фақат Исроил би-лан боғлиқ бўлиб, маблағ солиқ хизматини молиялаштиришни қисқартириш ҳисобига ажрати-

лиши режалаштирилган. Киевни қўлаб-қувватлаётган қонунчи-лар унинг четда қолиши мум-кинлигидан хавотирда.

ЯГОНА АЛИФБО ЖОРИЙ ЭТИШ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

Туркия президенти Режеп Таййип Эрдоған барча туркий тилли давлатлар учун ягона алифбо яратиш ташаббуси билан чиқди. Унинг фикрича, бу давлатлар ўртасидаги гуманитар алоқаларни мустақкамлайди.



«Бирлигимиз учун тил ҳам, умумий алифбо ҳам жуда муҳим. Президентларнинг қўлаб-қув-ватлаши ҳам жуда муҳим. Олий таълим кенгашиимиз ташкилот котибиятига ўз тавсияларини берди. Умид қиламизки, бу та-


шаббус юқори баҳоланади», деди Эрдоған Туркий давлатлар ташкилотининг Остонадаги сам-митида сўзлаган нутқида.

У 2024 йилдан бошлаб ягона алифбони яратиш ишла-рини бошлашга қаҳирди. Тур-кия президентининг сўзларига кўра, барча туркий тилли дав-латлар ўзлари дуч келаётган муаммоларга самарали қарши туриш учун «бирга бўлишлари» керак.

Ўтган йили Эрдоған ягона туркий алифбо яратиш ғоясини илгари сурган, бироқ унинг бу таклифи етарлича қўлаб-қув-ватланмаган эди.

ҲАЗО ИККИГА АЖРАЛИШИ МУМКИН

ЦАХАЛнинг Ҳазо секторига ҳужуми Исроил қў-шинлари қанотлари хавфсизлигини таъмин-лашга қаратилган, дея хабар бермоқда Reuters агентлиги.



ISW ҳамда «Критик таҳдид-лар» лойиҳасининг сўнгги таҳ-лилларига кўра, Исроил қў-шинлари Ҳазо сектори шимо-ли-шарқдаги Байт Ханунга кириб, тозалаш операцияла-рини тизилган ва анклавининг шимоли-ғарбидаги қирғоқ чи-зиги бўйлаб ўз позицияларини кенгайтирган.

Reutersнинг хабарига кўра, шимолдан секин-аста олға сил-жиш Исроил қўшинларининг қа-нотларини ҳимоя қилишга қара-тилган.

Маҳаллий матбуот ва Фалас-тин жангарилари Ҳазо шахридан жануби-ғарбга қараб ҳаракат-ланаётган Исроил қучлари би-лан тўқнашув бўлганини маълум қилди.

Ҳужумдан мақсад Ҳазо шахрини жанубдан узиб қўйиш бўлиши мумкин. Бу Ҳазо секто-рининг бутун узунлиги бўйлаб ўтган асосий транспорт артерия-си – Салоҳ Ад-Дин йўлига таҳдид солади.

Йўлнинг ёпилиши Ҳазони иккига бўлиб, шахарни жануб-дан ажратиб қўяди.

БУЮК БРИТАНИЯДА ЯНГИ ТАНГАЛАР ЗАРБ ЭТИЛАДИ

Декабрь ойида Буюк Британияда қирол Чарлз III нинг сурати туширилган тангалар муомалага чиқарилади. Танганинг ортида монархнинг та-биатга бўлган иштиёқини акс эттирувчи ҳайвон-лар, қушлар ва ўсимликлар тасвирланган.



Буюк Британия қиролилик зарбхонаси Карл III тасвири ту-ширилган тангаларни зарб қила бошлади. Дизайн ҳайкалтарош

Мартин Женингс томонидан ишлаб чиқилган.

Аксарият фўқаролар илк бор тангаларда янги монархнинг профилини кўришади.

Бу йил жами 9,6 миллион танга зарб қилинади ҳамда де-кабрь ойида муомалага чиқари-лади.

Зарбхона аввалроқ марҳум қиролича Елизавета II нинг сурати туширилган тангалар эскирмаган ёки шикастанлаган бўлса, янги-лари билан бирга муомалада бў-либ туришини билдирган эди.

Самарқанд вилояти

Долзарб мавзу

Чиқиндининг баҳоси қанча?

Экологик муҳит бузилишига маиший ва са-
ноат чиқиндилари ҳам яхшигина «улуш»
қўшиб келмоқда. Табиат бир йилда сал-
кам мингга яқин турдаги чиқитлар билан
«сийланиб», уларнинг ўсиш миқдори йи-
лига 3-4 фоизга ортапти. Гарчи тараққий
этган давлатлар чиқиндининг 85 фоизини
қайта ишлаш-мумкинлигига ишора қилиш-
са-да, ҳанузгача унинг 40 фоизидан фой-
дали маҳсулотлар олинмоқда, холос.

Умуман олганда, ҳозир чиқиндилар дунёнинг
глобал муаммоларидан бирига айланган. Та-
бийки, олам аҳлини ташвишга солаётган бу
масала ечими диёримизга ҳам бегона эмас.
Хўш, тизимдаги камчиликлар нималардан ибор-
рат? Хусусан, Самарқанд вилоятида бу борадаги
аҳвол қандай?

Аввало шуни таъкидлаш жо-
изки, давлат бюджети ва хори-
жий инвестиция маблағлари
ҳисобига чиқинди ташиш кор-
хоналарини модернизациялаш
ишларига киришилганига қара-
масдан тизимдаги махсус кор-
хоналар сони ҳануз бармоқ би-
лан санарли даражада.

Самарқанд вилояти эколо-
гия ва атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш бошқармаси қошидаги
«Тоза ҳудуд» ДУК, Самарқанд
шаҳридаги «Мароқанд обод»
ДУК, шунингдек, ободонлашти-
риш бошқармалари ва хусу-
сий корхоналар бу масъулиятли
юмушни ўз зиммаларига олиш-
ганига қарамай чиқиндилар ўз
вақтида олиб чиқиб кетилма-
япти, деган ҳақли эътирозлар
тўхтаганича йўқ.

– Тўрт йилдан буён Франция
Тараққиёт агентлиги молия-
вий кўмаги билан «Самарқанд
шаҳридаги қаттиқ маиший
чиқиндиларни бошқаришни
модернизациялаш» лойиҳа-
сини амалга ошириб келяпмиз,
– дейди «Мароқанд обод» давлат унитар корхонаси
раҳбари Расул Тўлқинов. – Корхонамиз Самарқанд
шаҳри ва туманида аҳолининг маиший чиқинди-
ларини тўплаш ва олиб чиқиш хизматини кўрсат-
моқда. Амалдаги тўлов (тариф 1 киши учун 3400
сўм, бюджет ва улгуржи ташкилотларга эса 1 метр
куб. учун 58651 сўм) кетган харажатларни қопла-
маяпти. Шунинг учун ҳам маиший чиқиндиларни

**ГАПНИНГ ОЧИҒИ, ЧИҚИН-
ДИНИ УЛОҚТИРИБ ҚУ-
ТУЛИШДАН ОСОНИ ЙЎҚ.
ВАҲОЛАНКИ, БИЗ ТАШЛА-
ЁТГАН ПЛАСТИК СУВ
ИДИШЛАРИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ
ҚОПЛАРИ, ПЛЁНКА, ЕЛИМ
ХАЛТАЛАР, МАИШЕЙ ТЕХ-
НИКА ҚАДОҚЛАРИНИ
ҚАЙТА ИШЛАШ МУМКИН.
СИНГАПУРДА ЧИҚИНДИ-
НИНГ 56 ФОИЗИ ҚАЙТА
ИШЛАНАДИ. ЯПОНИЯДА
РЕЗИНА ВА КАБЕЛ БУЮМ-
ЛАРИНИНГ 34 ФОИЗИ,
ШИША БУЮМЛАРИНИНГ 43
ФОИЗИ, ҚОҒОЗ ВА КАРТОН-
НИНГ 54 ФОИЗИ ЧИҚИН-
ДИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ-
ДАН ОЛИНАЁТГАН БИР
ШАРОИТДА, БИЗ НИМА
УЧУН УШБУ МУАММОНИ
УЗИЛ-КЕСИЛ ҲАЛ ҚИЛИ-
ШИМИЗ МУМКИН ЭМАС?!**

тўплаш ва олиб чиқиш хизмати нархи аҳоли учун
киши бошига бир ойда 4154 сўмдан 5365 сўмгача,
бюджет ва улгуржи ташкилотлар учун бир метр куб.
учун 69686 сўмдан 92830 сўмгача бўлишини таклиф
қилияпмиз. Бусиз фаолиятимизни рисоладагидек
ташқил этиш мутлоқ имконсиз бўлиб қолаверадик.

– Муаммоларнинг асосий сабабларидан бири,
чиқинди ташиб кетиш хизмати
бўйича тарифларнинг 3 йилдан
буён оширилмасдан келинаёт-
ганига бориб тақалади, – дейди
Самарқанд вилояти эколо-
гия ва атроф-муҳит муҳофазаси
бошқармаси бўлим бошлиғи
Умид Мунавваров. – Вилоятда та-
рифлар сўнгги бор 2021 йилнинг
ноябрь ойида ўзгартирилган бў-
либ, ўшанда аҳоли учун бир ки-
шига 2900-3400 сўм, юридик
шахсларга 1 метр куб. учун 44700
сўм (ҚҚСсиз) миқдорида белги-
ланган. Холбуки, ўтган давр мо-
байнида меҳнатга ҳақ тўлашнинг
энг кам миқдори тўрт маротаба
оширилгани боис, санитар тоза-
лаш корхоналарининг ишчи-хо-
димларга тўлаётган иш ҳақи ха-
ражатлари ўртача 2 бараварга,
ёниги-мойлаш маҳсулот-
лари, жумладан, сиқил-
ган газ 3,5 бараварга,
бензин 1,3 бараварга,
дизель ёқилғиси
2,2 бараварга
ортган. Техника
воситаларини

эҳтиёт қисмлар билан таъмин-
лаш учун сарфланадиган хара-
жатлар ҳам 2 баравар қиммат-
лаган бир шароитда, амал-
даги ташиш тарифлари
ўзгаришсиз қолаётир.
М у т а х а с с и л а р
ф и қ р и ч а, а й н и ш у т а-

рифларнинг оширилмагани са-
баб юзага келаётган молиявий
танқислик туфайли айрим корхо-
наларда ходимларга ойлик маош
тўлаш ҳам сўроқ остида.

Соҳада эса режалаштирил-
ган ишлар оз эмас. Хусусан, ви-
лоят бўйича 4 та давлат-хусусий
шериклик битимлари имзолан-
ган. Мазкур келишувларга асо-
сан, тадбиркорлик субъектлари
томонидан 53,9 миллиард сўм
инвестиция маблағлари ҳисо-
бига 45 та махсус техника ва 410
та чиқинди контейнери харид
қилиш назарда тутилмоқда. Шу-
нингдек, 40 та чиқинди йиғиш
майдончаси, 19 та қайта юклаш,
қайта ишлаш ва саралаш заводи
қуриш белгиланган эса-да амал-
даги тариф миқдорларининг пастлиги лойиҳалар-
нинг амалга оширилишига йўл бермаяпти.

– Жорий йилдан эътиборан Вазирлар Маҳкамаси
томонидан барча вилоятларга маиший чиқинди-
ларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун
тўлов тарифларини қайта кўриб чиқиш тавсия этил-
гани соҳада муайян ўнганишларга асос бўлади, –
дейди мутахассис. – Вилоят иқтисодиёт ва молия бош
бошқармаси мутахассислари томонидан ҳудудда
хизмат кўрсатувчи 8 та корхона фаолияти ўрга-



нилиб, истиқболни ўйлаган ҳолда
шаҳар ва туманлар учун келгу-
сида қўлланиладиган нархлар (та-
рифлар) белгилангани айти мўд-
дао бўлди. Қаттиқ маиший чиқин-
диларни тўплаш ва олиб чиқиш
хизмат нархи аҳоли учун Са-
марқанд шаҳри ва туманида 1 ки-
шига 1 ойда 5000 сўм, бюджет ва
улгуржи ташкилотлар учун 1 м3
учун 90 000 сўмни, Каттақўрғон
шаҳри ва бошқа туманларда 1 ки-
шига 1 ойда 4129 сўм, бюджет ва
улгуржи ташкилотлар учун 1 метр
куб учун 59693 сўм бўлиши мум-
кинлиги тавсия этилди. Озодалиқ,
саранжом-саришталик йўлида
бу миқдор унчалик ҳам залворли
эмас.

Гапнинг очиғи, чиқиндини
улоқтириб қутилишдан осони йўқ. Ваҳоланки, биз
ташлаётган пластик сув идишлари, озиқ-овқат
қоплари, плёнка, елим халталар, маиший техника
қадоқларини қайта ишлаш мумкин. Сингапурда
чиқиндининг 56 фоизи қайта ишланади. Японияда
резина ва кабель буюмларининг 34 фоизи, шиша
буюмларининг 43 фоизи, қоғоз ва картоннинг 54
фоизи чиқиндини қайта ишлашдан олинаётган бир
шароитда, биз нима учун ушбу муаммони узил-ке-
сил ҳал қилишимиз мумкин эмас?!

**Аслида қайта ишлашни кенгайтириш соҳадаги муаммо-
ларни бартараф этишнинг асосий ечими бўлиши керак.
Мутасаддилар бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрадиган, зарур
чораларни белгилаб оладиган вақт аллақачон етиб кел-
ган, назаримизда. Сиз нима дейсиз? Балки мақбул ечимга
оид мулоҳазаларингиз бордир?**

Дилмурод ТЎХТАЕВ,
журналист,
Нўрилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Орамиздаги одамлар

УЛАР ҲАМ СОФ КЎНГИЛ ЭГАСИ

Кексаларимиз нақл қилишича, кимки
эрта тонгда турса, куни баракали ўтади.
Айниқса, эрталаб кўча супурганга кўп ва
хўб савоб ёғилади.
Ҳали кўпчилик ширин уйқудан уйғо-
нишга улгурмаган лаҳзада ишга отлана-
диган оддий касб эгаси Гулчехра Аҳме-
дова бу ҳаётий ҳақиқатни бошқаларга
ҳам англатиси келади. Саранжом-са-
ришта, супуриб-сидирилган кўчадан
ўтадиган йўловчининг дуосини олишга
нима етсин? Мана, 23 йилдирки, бу аёл
пойтахтимизнинг марказий хиёбонини
тозалаб, савоб олиб келмоқда.

Тошкент шаҳрининг Амир Темуր хиёбони ҳа-
миша сокин, осойишта ва мафтункор, то-
за-озода. Гулчехранинг иш жойи ана шу
хиёбон, ҳар тонгда кимдир уни кутиб тургандек
ана шу майдонга ошиқади. Сўлим масканга бир
сидра кўз ташларкан, у ер-бу ерга улоқтирилган
баклажка, сигарет қолдиғи, целлофан ёки бошқа
чиқиндиларни кўриб, фаррошнинг кўнгли хижил
тортади. Хиёбонда 47 та ўриндиқ мавжуд, ҳар
бирининг ёнида бўлмаса ҳам, ора-ора жойларга
чиқинди қути ўрнатилган бўлса-да, айрим ким-
салар дуч келган жойга турли нарсаларни отиб
кетаверишини одат қилган. Одамлар дам олади-
ган, табиат манзараларидан завқланидиган хиё-
бонга чиқинди ташлаш инсофданми?
– Иш вақтимиз эрталабки соат саккиздан
белгиланган, аммо фаррошлар бригадаси раҳ-
бари бўлганим боис, ишга ярим соат аввал ке-
ламан, – дейди Гулчехра Аҳмедова. – Пойтахти-
мизнинг марказий хиёбонига фақат юртдошлар-



римиз эмас, хорижлик сайёҳлар ҳам ташриф
бўюришади. Майдонда чанг-ғубор, чиқинди
бўлмаслиги керак. 20 нафар фаррош менга би-
риктирилган. Буюк соҳибқирон ҳайкалинини, унинг
гранит постаменти гардларини ҳар куни арта-
миз. Афсуски, фаррош меҳнатига беписанд қа-
райдиган йигит-қизларни кўрсам, уларнинг тар-
биясизлигидан нафратланиб кетаман. Уларга
танбех берсак, «Супур-сидирингиз учун ойлик
оласиз» деган гаплар ҳам йўқ эмас. Тўғри, ойлик
иш ҳақи оламиз, ойлик маошимиз икки миллион
сўм. Байрамларда мукофот пули билан ҳам сий-
лашади. Лекин фаррошу боғбоннинг оладиган
ойлик маошини юзига солиб, унинг меҳнатини
қадрламаслик одоб-ахлоқ мезонларига тўғри ке-
ладими? Шунақа тоифадаги кимсаларни кўрсам,

афсусланаман. «Кўча тозалаганнынг савоби кўп»,
деб дуо қилиб кетадиганлар ҳам талайгина.
Фаррош билан ёнма-ён хизмат қилувчи, унга
елкадош ва сафдош яна бир касб эгаси – боғбон-
ларсиз чор-атрофимиз бу қадар мафтункор бўл-
масди. Азал-азалдан халқимиз боғдорчиликни
қадрлайди, дарахт ёқади, экин-тикин қилиб, хо-
сил олади, гул парвариш қилади. Амир Темуր
хиёбонидан ўтган йўловчи борки, майдондаги
арча, каштан, эман, япон сакуриси каби манза-
рели дарахтларни, майсазорни, хилма-хил бут-
ларни кўриб, баҳри-дили очилади. Хиёбон ўз-
ўзидан шу қиёфага келиб қолган эмас, албатта.
Бу ерда субҳидамдан кечга қадар фаррошу боғ-
бонлар тер тўқади. Баҳор фасли кириб келиши
билан майдонда иш ҳажми ортади, ёзда авжига

чиқади, кузда эса ўзига хос агротехник тадбир-
лар амалга оширилади.

– Бу ерда уч йилдан бери ишлаяпман. Аввал
иссиқхонада ҳосил етиштирганимиз, – дейди олий
тоифали боғбон Ғофур Исроилов. – Ҳар бир да-
рахт ва бутага қарашимиз, шакл беришимиз, та-
гини юмшатиб, суғоришимиз керак. Қийшайган,
синган шохлари бўлса, қирқиб ташлаймиз. 7,9
гектарлик майдонда 1200 туп дарахт, 1250 туп
манзарали бута кўкартирилган. Ҳар бир фаслга
мос гул ёқилади. Қишда совуққа чидамли виола
эксак, ёз, куз фаслларида сальвия, пагеде, петуна
каби гул-буталарни парваришлаймиз.

Она диёримизда олтин фасл – куз. Ям-яшил
дарахтларнинг «либоси» олтин тусга кирган.
Ёмғир ёғса чор-атрофимиз бу қадар мафтункор бўл-
масди. Азал-азалдан халқимиз боғдорчиликни
қадрлайди, дарахт ёқади, экин-тикин қилиб, хо-
сил олади, гул парвариш қилади. Амир Темуր
хиёбонидан ўтган йўловчи борки, майдондаги
арча, каштан, эман, япон сакуриси каби манза-
рели дарахтларни, майсазорни, хилма-хил бут-
ларни кўриб, баҳри-дили очилади. Хиёбон ўз-
ўзидан шу қиёфага келиб қолган эмас, албатта.
Бу ерда субҳидамдан кечга қадар фаррошу боғ-
бонлар тер тўқади. Баҳор фасли кириб келиши
билан майдонда иш ҳажми ортади, ёзда авжига

**Шоир шёър битандек:
Сариқ нимча кийган шаҳар бекаси,
У ҳам биздек кўнгли эгаси.
Иссиқдан ҳам қочмас, қорда бекинмас,
Озодчилар учун ҳеч жони тинмас,
Ҳар ким ҳам танламас бундай ҳунарни,
Балки биздан кўпроқ севад шаҳарни...**

Ҳўлнар ТҶИМАНОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист



МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetolari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehreddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
R. Rixsiyev

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova
Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:50
Topshirildi – 00:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manziliimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz
Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «ipoteka bank»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1113
Nashr ko'rsatkichi: 133
1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 30348

14017 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.